

ИНТЕРНЕТНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА
САМАРАЛИ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

Аллаяров Отабек Эркинович

Тошкент иқтисодиёт ва педагогика институти “Ижтимоий фанлар”
кафедраси доценти, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори(*phd*)

E-mail: AllayarovOtobek84@mail.ru Тел:+998933200844

Аннотация: Мақолада бугунги қунда интернет хизматлари ва ахборот технологиялари улкан сиёсий бошқарув тизимини шакланишига олиб келиши ва айнан интернет технологиялари сиёсий институт ва жараёнлар трансформацияси ва модернизациясига асос бўлиши ва давлат хизматларини янада ривожлантиришига хизмат қилиши келтириб ўтилган. Ҳамда интернетнинг демократик қадриятларга зид жиҳатлари таҳлил қилинган. Бугунги ахборот кучайган, ахборот манба ва воситаларининг турли-туманлиги шароитида ёшлиарнинг онгини эгаллаш учун кескин қураш жараёни таҳлил қилинган. Глобал тармоқнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти таборо ортиб бораётганлиги, инсоният учун қай даражада ижобий ва салбий жиҳатлари асосланган.

Калит сўзлар: интернет хизматлар, ахборот, ахборот технологиялари, сиёсий режимлар, трансформация, модернизация, интернет-ҳамжасиятлари, ижтимоий тармоқлар, оммавий маданият ва Интернет феномени.

ФАКТОРЫ ЭФФЕКТИВНОГО РАЗВИТИЯ В СИСТЕМЕ СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ ИНТЕРНЕТА

Аллаяров Отабек Эркинович

Ташкентский экономико-педагогический институт доцент кафедры
«Общественных наук» Доктор философии по политологии (*PhD*)

E-mail: AllayarovOtobek84@mail.ru Телефон: +998933200844

Аннотация: В статье отмечается, что сегодня Интернет-услуги и информационные технологии приводят к формированию большой системы политического управления, и именно Интернет-технологии являются основой трансформации и модернизации политических институтов и процессов, дальнейшего развития государственных услуг. В сегодняшних условиях интенсификации информации, разнообразия информационных источников и средств массовой информации анализируется процесс острой борьбы за сознание молодежи. Растущая роль и значение глобальной сети в нашей жизни основаны на растущих положительных и отрицательных аспектах человечества.

Ключевые слова: интернет-услуги, информация, информационные технологии, политические режимы, трансформация, модернизация, интернет-сообщества, социальные сети, популярная культура и феномен Интернета.

FACTORS OF EFFECTIVE DEVELOPMENT IN THE SYSTEM OF SOCIO-POLITICAL RELATIONS OF THE INTERNET

Allayarov Otabek Erkinovich

Tashkent Institute of Economics and Pedagogy Associate Professor of the Department of "Social Sciences" Doctor of Philosophy in Political Science (PhD)

E-mail: AllayarovOtabek84@mail.ru, Tel: +998933200844

Annotation: The article notes that today Internet services and information technology lead to the formation of a large system of political governance, and it is Internet technology that is the basis for the transformation and modernization of political institutions and processes, the further development of public services. In the context of today's information intensification, diversity of information sources and media, the process of a sharp struggle to capture the consciousness of young people is analyzed. The growing role and importance of the global network in our lives is based on the growing positive and negative aspects of humanity.

Keywords: Internet services, information, information technology, political regimes, transformation, modernization, Internet communities, social networks, popular culture and the Internet phenomenon.

Замонавий интернет хизматлар ва ахборот технологиялари улкан бошқарувчилик потенциалига эга. Улар сиёсий институт ва жараёнлар трансформацияси ва модернизациясига асос бўлади, давлат хизматларини янада ривожлантириш гаровидир, шунингдек энг асосийси бунда шаффоффик, яъниким ҳукуматга ҳалқ ишончининг ортишига сабаб бўлади.

Интерактив муҳитда интернет-коммуникациялар фуқароларга уларни қизиқтираётган ахборот ва воқеа-ҳодисаларни мустақил кузатиши ва таҳлил қилиши мумкин. Тармоқда сиёсий жараёнларнинг динамиклигини оширишга хизмат қиласи. Бугунги кунда ёпиқ персонал сиёсий режимлар мамлакатдаги сиёсий вазият бекарорлашуви ҳолатида мўлжалидаги мамлакатлар ижтимоий онгига ахборот-коммуникацион таъсир қилишнинг ҳудудий технологияларини кўллагани учун ўз барқарорлигини мустаҳкамлайди.

Интернетда ижтимоий онгга таъсир ўтқазиш анъанавий ОАВга нисбатан анча самарали эканлиги бугун ҳаммага маълум, у иштирокчилар ўртасида потенциал мобиллаштирилган “вирус” юқтирганлар ҳисобланади. Муаммоларни онлайн режимда ҳал этилиши, бунда одатда иккинчи қарама-қарши фикрга эга бўлганларнинг иштирок этмаслиги, конструктив диалог

етишмаслиги фуқаролик жамиятига ижтимоий-сиёсий зиддиятларнинг ва сиёсий бекарорликнинг асоси сифатида катта таҳдид сифатида намоён бўлмоқда. У.Язданов таъкидлаганидек, “XXI аср ахборот алмашинувининг хилма-хиллиги, ғоявий-мафкуравий полигонларнинг кескинлашуви, бир сўз билан айтганда, инсон онгига ҳукмронлик учун кураш кечаётган давр сифатида тарихда қолмоқда. Бу даврда миллий хавфсизлик, маданият ва маънавиятни сақлаб қолиш ўз келажагини ўйлайдиган ҳар бир халқ учун бош омил даражасида қаралиши шарт” [1].

Замонавий тадқиқотчилар интернет-ҳамжамиятларида юз бераётган жараёнларни таҳдил қилиш ва ташхислаш масалаларида мулоқот муҳити шаклига таъсир кўрсатувчи жадал ўзгараётган компьютер тармоқларига етиб улгурмаяптилар. Сиёсий жиҳатдан тадқиқотлар олиб бориш эса интернет маконидаги ҳамда маънавий кўпинча зиддиятли бўлган ахлоқий, сиёсий ва маданий муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради. Интернетнинг ижтимоий оқибатлари жиҳатларини ўрганиш учун зарурдир.

Интернетдаги кўплаб салбий тенденциялар ва муаммолар ҳанузгача кам ўрганилганлиги билан боғлиқ ҳолда янада ортмоқда. Бу интернет-ҳамжамиятларида вужудга келаётган ижтимоий ўзаро ҳаракатнинг бутун инсоний жамиятга, унинг ижтимоий институтларига таъсири муаммосига тегишлидир. Айрим тадқиқотчилар интернетда-тобелик ҳамда тушкунликлар, ўз жонига қасд қилиш алоқаларини кўрадилар. АҚШда ўтказилган тадқиқотлар ўсмирларнинг порно-сайтларга кириши уларни ижтимоий ҳатти-ҳаракатларига салбий таъсир кўрсатишини аниқлаган.

Сиёсий нуқтаи назардан ёндашилса, юқорида санаб ўтилган барча кризисларни бартараф этиш учун уларнинг туб асосида нима ётганини билиш мақсадга мувофиқ. Бизнингча, уларнинг асосида ётган битта умумий сабаб бор. У ҳам бўлса, юқорида ҳам айтганимиздай, яратиш эмас, фақат истеъмол қилиш психологиясига асосланган техноген цивилизациянинг зўравонларча хўжалик юритиш тартиботидадир. Шу боисдан ҳам АҚШнинг собиқ президенти Барак Обама ўз вақтида ижтимоий тармоқларни сиёсий ҳаётга хавф solaётган тизим сифатида қуидагича баҳолаган эди: “Бу сиёсат, жамият ва ОАВнинг биргаликдаги муаммосидир. Одамлар бошқа нарсани эшитишни хоҳлашмайди. Улар фақат тўғри деб ҳисоблаган нарсани тинглашни хоҳлайди, — деган собиқ президент. — Улар эса, бунинг ўрнига, фақат Fox News ёки CNN, ёхуд мушуклар олинган видеони кўришади” [2].

Янги ахборот тармоқлари ва хусусан, интернет глобалашув даврида сиёсий фанлар тадқиқот обьектига айланмоқда. Интернет ҳар қандай ахборотнинг сифатини яхшиламаган ва маданият ривожланишига қўмаклашмаган ҳолда ҳам қандай ахборотга киришга йўл очади. Шундай бўлса-да, айрим интернет-ҳамжамиятларнинг самарали ва жадал ривожланиши учун зарурый шароитлар яратади. Айни вақтда интернет замонавий, масалан, тоталитар секталар, махсус

хизматлар, жиной уюшмалар коммуникацияларини орттирган ҳолда ҳаётдаги ижтимоий хатарли ҳодисаларни жадаллаштириши мумкин.

АҚШнинг Колумбия Университетининг профессори Эли Нуам (Eli Noam) интернетнинг демократик қадриятларга зид жиҳатлари мавжудлигини қуидагича изоҳлайди:

Биринчидан, интернет мунозарали сиёсий диалогларни олиб боришга ярамайди, чунки, тармоқ орқали келган маълумотларнинг жуда кўпайиб кетиши оқибатида уларнинг аҳамиятлилик даражаси пасаяди. Яъни маълумот ҳажмининг ошиши унинг сифатининг пасайишига олиб келади.

Иккинчидан, интернет инсонларни бирлаштириш билан бирга уларни ажратади ҳам, сабаби виртуал жамоа реал жамоа каби жиддий эмас. Уларга қўшилиш ҳам, улардан ажралиш ҳам осонгина амалга оширилиши мумкин.

Учинчидан, ҳукумат билан мулоқот қалбаки бўлиши мумкин. Мурожаатлар миқдорининг кескин ўсиши, уларни тўсишни таъминлайдиган дастурларни ишлатилишига олиб келади ва уларни қабул қилишда барибир чекловлар қўлланилади. Бу эса демократик тамойилларга мос келмайди.

Тўртинчидан, мустақил сиёсатчиларнинг ҳалқаро миқёсдаги найрангларини амалга оширишларига имконият яратади, чунки интернет чегара билмайди. Улар масалан бирор жамият ёки сиёсий гурӯҳ ҳақида оммага ёлғон маълумотлар бериши, бошқаларнинг ишига аралашишлари мумкин. Масалан, Россия интернет тармоғидаги Центразия (www.centasia.ru) сайтига хоҳлаган киши ўз мақоласини ёки бирор мавзу ҳақида фикрини жойлаштириши мумкин. Бунинг ёмон томони шуки, унда қўпчилик «сиёсий ўйинлар» уюштиради, масалан, рус миллатининг вакили ўзбек кишиси тахаллуси остида миллий масалада гапиради (бошқаларнинг муносабатини ўрганиш учун). Бу эса ўз навбатида одамлар ўртасида сиёсий қарама-қаршиликларга ва интернетда жойлаштирилаётган маълумотларга ишончнинг пасайишига сабаб бўлади [3].

Ҳозирги вақтда ҳам алоҳида шахс, ҳам умуман жамият ҳаётида интернет глобал коммуникацион тармоғи аҳамиятини мулоҳаза қилиш зарурати пишиб етилди. Сиёсий жараёнларни муҳим жиҳатларидан бири қарор қабул қилиш бўлиб, бунда жамиятнинг бошқарувни амалга оширилишидаги иштироки ва ҳукумат томонидан сиёсий қарорларни қабул қилишига таъсир қилиши, фуқаролар қизиқишиларининг ҳисобга олиниши ва амалга оширилиши – демократик жамиятнинг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Бунда, сиёсий маконда қарорларни қабул қилишда интернет-коммуникацияларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш керак.

Бугунги кунда ахборот инсониятнинг ниҳоятда муҳим ва чексиз, поёни йўқ ресурсига айланди. Интернетдан фойдаланувчилар хамжамияти кирадиган ижтимоий тизимни ўрганмай туриб, ахборотлашган жамиятни шакллантиришни тадқиқ қилиш, унинг фаолият кўрсатиш жараёнини йўлга соловчи меъёрлар ва қоидаларни ишлаб чиқиш ўта қийиндир. Бу ҳақида Раҳмон

Кўчкор қуидагича фикр юритади: “Ўзига “ахборот дунёси”, “ахборотлашган жамият” деб ном қўйиб олган бугунги жумла жаҳонда у ёки бу воқеа-ҳодиса ҳақида (у тарихда юз берганми ёки куни кечак содир бўлдими - фарқи йўқ) оммавий ахборот воситалари “топиб” тарқататётган маълумот, “тезкор хабар” қанча қўпайса, ўша воқеа-ҳодисага доир асл ҳақиқат шунча мавхумлашиб бормоқда” [4].

Интернетдаги ижтимоий муносабатларнинг тамойиллари ва ривожланиш қонунларини ўрганиш кишилар ҳаётига ахборот компьютер тармоқлари таъсири башорат қилишга имкон беради.

Мамлакатимизда интернетнинг сиёсий коммуникация сифатидаги имкониятлари сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланмоқда. Шунга мос тарзда ўзига хос интернетнинг сиёсий коммуникация сифатида сиёсий жараёнлар, сиёсий қарашлар, таълимотлар ҳам кенг доирада тарғиб қилишга шарт-шароит яратмоқда. Айни шу маънода интернетнинг ижтимоий-сиёсий мазмунини тадқиқ этиш масаласи долзарб бўлиб турибди. Бу эса сиёсий фанлар соҳасида замонавий жамиятда интернетнинг сиёсий коммуникация сифатидаги имкониятларини аниқлаш борасида олиб борилаётган тадқиқотларнинг назарий ва услубий жиҳатларига ҳам янгича талабларни, вазифаларни қўймоқда.

Ахборот замонавий жамиятда унга қадим-қадим замонлардан мос бўлган ролни ўйнаб келмоқда ва бунинг аҳамиятини қайта баҳолаш ўта мушкулдир. Ўз навбатида жамият ижтимоий-тадқиқотларни барча томонларини жадал ахборотлашуви электрон турдаги янги коммуникацион технологияларнинг муҳит шакллантируви роли билан боғлиқ ўзгаришларга олиб келмоқда. Интернет- бир томондан глобаллашув жараёнига имконият яратувчи коммуникация воситаси, бошқа томондан кундалик ҳаётни компьютерлаштириш воситаси бўлган ҳолда виртуал воқелик муомаласига компьютер симуляцияси (телбаликлари) сифатидаги аниқ буюмлар, ҳатти-ҳаракатлар, ижтимоий ўзаро ҳаракатларни жорий этмоқда. Аммо интернетни коммуникациянинг воситаси ёки муҳити ёки усулигина деб ҳисоблаш унинг ролини тушинишни чеклашни англатади. Интернетни инсон ўзининг ижтимоий эҳтиёжлари, шу жумладан, коммуникацион эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлган яшаш муҳитининг давоми деб ҳисоблаш зарур.

Ижтимоий коммуникация воситаси сифатидаги интернет- ижтимоий ролининг ўзига хослиги кўп жиҳатдан унга хос бўлган муҳим хусусиятлар - оммавий коммуникацияларга ўзаро муносабатларнинг мулоқот шаклини катта миқдорда жорий этишга имкон берувчи алоқа ва интерфаолликнинг горизанталлиги билан белгиланади. Зоро, А.Эркаев таъкидлаганидек: “Оммавий коммуникация воситалари – радио, кино (кейинчалик телевидение, интернет ва ҳоказоларнинг) вужудга келиши, комикслар, кўнгилочар асарлар,

граммластинкалар (кейинчалик видео ва аудиодисклар) ҳамда бошқа маданий истеъмол буюмларининг саноат усулида “улгуржи” ишлаб чиқарилиши сабабли моддий буюмлар қаторида маънавий маҳсулотларнинг ҳам стандартлашуви юз берди. Маънавий-маданий маҳсулотлар истеъмол товарига айланди. Уларнинг шакли ва мазмуни маҳаллий, минтақавий ва миллий қиёфаларини, хусусиятларини йўқота бошлади”[5]. Шундай қилиб, муайян фойдаланувчига интернет тақдим этадиган ахборот ва коммуникацияларнинг улкан танлови ижтимоий муҳитнинг индивидуаллашуви жараёнига қўмаклашади. Ундан ташқари самарали қайта алоқа асосидаги интернет бутун инсониятни ўзаро ҳаракатларнинг янги усулларига ва илғор ютуқларни ўзлаштиришига ўтишга имкон беради. Бу, шу жумладан ижтимоий муносабатлар ва ташкилий тузилмаларнинг (тармоқли ташкилотлар “онлайн ҳамжамиятлар”) янги қўринишлари вужудга келишига олиб келади [6]. Интернетнинг ижтимоий роли фойдаланувчилар сони ўсишига мутаносиб равишда ўсиб боради. Бу ўз навбатида ушбу соҳадаги янада аҳамиятлироқ тадқиқотларни амалга оширишни тақозо этади.

ОАВ тизимидағи умумий тенденциялар, содир бўлаётган жараёнларга қарамай, интернетнинг оммавий ахборот воситалари томонидан қўлланилиши соҳасида миллий моделлар мавжуд. Мазкур моделлар ўзига хосликларини ўрганиш нафақат айрим давлатлар тараққиёт даражасини аниқлаш, балки уларнинг информацион сиёсати мазмуни билан танишиш, хусусиятларини аниқлаш имконини беради [7]. Зеро, ахборот сиёсати бугун баъзи давлатларнинг етакчиликка, шунингдек, сиёсий ва иқтисодий барқарорликка эришишларида асосий йўналиш саналмоқда. Масалан, Хитойда мазкур жараёнда давлатнинг роли катта бўлиб, унинг кўмаги ҳукуматга қарашли ОАВни ислоҳ этишга қаратилди. Бунда ҳокимият органларининг асосий эътибори давлатнинг бош ОАВ, жумладан Синхуа агентлиги, “Женмин Жибао” газетаси ва хитойдаги инглиз тилида чоп этиладиган энг йирик нашр “Чайна Дейли” (China Daily)ларнинг электрон ресурсларини равожлантиришга йўналтирилди.

Хорижий мамлакатларга ўз эшиттишларини узатаётган давлат радиостанцияси XXРдаги йирик ОАВлигича қолмоқда. “Хитой Ҳалқаро Радиоси” сайти барча техник-технологик имкониятлардан фойдаланиб, жонли эфир хизматларини тақдим этмоқда. Хитой тилида онлайн телетрансляция эса етакчи ТВ канал – Марказий телевидение томонидан унинг ўз сайти саҳифаларида олиб борилмоқда. Бундан ташқари, давлат томонидан қўллаб-куватланадиган, анъанавий ОАВда аналогига эга бўлмаган тўлақонли тармоқ ахборот порталлари, жумладан, Хитой информацион Интернет-маркази (China Internet Information Center) кабилар пайдо бўлмоқда. Демак, кўриб турганимиздек, интернетдан фойдаланиш соҳасида ОАВ миллий моделларнинг универсал, мукаммал тизими мавжуд эмас, бироқ уларнинг таҳлил этилган ўзига хос характерлари турли давлатларнинг ахборот соҳасидаги сиёсатини акс

эттиради. С.Ҳакимов мамлакатимизда самарали фаолият олиб бораётган ОАВ ҳақида алоҳида тўхталиб: “Ҳозирда барча телеканалларнинг 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи, газета ва журналларнинг 60 фоизидан зиёди нодавлат оммавий ахборот воситаларидан иборат. Энг тезкор ахборот воситаси – интернет ҳаётимизга тобора чуқур кириб бораёттир. Ҳозирги вақтда глобал тармоқда – UZ доменли веб-сайтлар, ахборот порталлари сони 400 дан ошиб кетгани, уларнинг аксарияти хорижий тилларда фаолият кўрсатмоқда” [8]дея таъкидлайди. Шу боисдан ҳам Президент Ш.Мирзиёев ОАВ ҳақида шундай таъкидлайди: “Бугун Ўзбекистон барча соҳаларда тараққиётнинг янги босқичига қадам қўймоқда. Олдимиизда турган, бир-биридан муҳим ва долзарб вазифаларни ҳал этишда, юртимизда тинчлик-осойишталиқ, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини, унинг ўз кучига, эртанги кунга бўлган ишончини ошириш, ҳаётимизда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш, давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, бир сўз билан айтганда, халқ манфаатининг чинакам ҳимоячиси бўлишда оммавий ахборот воситалари бундан буён ҳам фаол ҳаракат олиб борадилар, деб ишонаман” [9].

XX аср маданияти мазмунида интернетнинг пайдо бўлиши замонавий маданий маконни сезиларли даражада ўзгартиришга сабаб бўлди. Интернет тармоғининг тузилмавий тармоқиал ҳусусиятларининг ўзи уни нафақат қаттиқ марказлашган ва иерархик тизим сифатида, балки асосий негиз сифатида шакллантиради. Бу интернет учун шаклланишнинг иерархик тамойили эмас, балки тармоқли тамойили рамзли эканини англаради, бу эса маданият учун бир мунча, оммавий маданият учун катта даражадаги кескин аҳамиятли оқибатларга эга. Шу ўринда мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёвнинг фикрига эътибор қаратиш зарур: “Биз бир нарсани ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур. Агар “оммавий маданият” таҳди迪 фақат четдан – Фардан кириб келади, десак, қаттиқ адашамиз. Бу бало, афсуски, ўзимиздан, ўз орамиздан ҳам чиқиши мумкин. Мен бу гапларни осмондан олиб айтиётганим йўқ. Юртимизда нашр этилаётган айrim газета-журналлар, китобларни, суратга олинаётган баъзи клип ва киноларни, эфирга берилаётган қўшиқ ва рақсларни кузатиб, соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам шундай хулосага келиши табиий” [10].

Хуллас, бугунги кунга келиб интернет замонавий ижтимоий маданий майдонни унинг ҳам ижтимоий, ҳам шахсий кўринишларида тубдан ва ҳар томонлама ўзгартиради. Интернет феномени билан боғлиқ замонавий ижтимоий макондаги ижобий ўзгаришларнинг тескари томони компьютер жиноятлари деб аталмиш, яъни воситаси ёхуд обьекти сифатида компьютер ёки компьютер тармоғида юзага чиқадиган ҳуқуқقا зид ҳаракатларнинг тарқалишидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Язданов У. Жамоатчилик фикрини трансформация қилиш имкониятлари //. – Ижтимоий фикр. Инсон хуқуқлари 2017. 2-сон Б. 79.
2. <https://edition.cnn.com/videos/politics/2018/06/12/fox-news-obama-trump-coverage.cnn>
3. WRIGHT S. Electrifying Democracy? 10 years of policy and practice // Parliamentary affairs. - L., 2006. - Vol. 59, N 2. - P. 34-44.
4. Раҳмон Қўчқор. Дунё кураш майдонидир //. – Тафаккур-2016. 4-сон Б. 24.
5. Эркаев А. Курашади икки тўлқин...//. – Тафаккур-2013. 3-сон Б.13.
6. Шалимов А.Б. Философия социальный сетей: онтологический и социально-философский анализ. Новосибирск Изд-во ЦРНС 2013. 153с.
7. Проблемы национального единства и идентичности в контексте мирового опыта. По материалам конф. молодых ученых. Москва, 13–15 дек. 2016 г. М. 2017. 243 с.
8. Ҳакимов С. Ҳаракатлар стратегияси: ислоҳотлар жараёни ва оммавий ахборот воситалари. Фарғона. 2018. Б-7
9. Ш.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. Тошкент.:Ўзбекистон, 2017. – Б. 502.
10. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси . Халқ сўзи. 2017 йил 5 август.